

# **МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР КЎРСАТКИЧЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРИШ**

**УДК:657.1.014.134**

**Голибжон ГАНИЕВ**

ўқитувчи

Наманган Давлат

Университети

Наманган, Ўзбекистон

## **Аннотация**

Мақолада маҳсулотларни сотиш самарадорлигининг молиявий натижаларга боғлиқлиги ўрганилган ва уларнинг таъсирини аниқлаш йўллари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** сотиш хизматлари, самарадорлик, кўрсаткичлар, самарадорлик кўрсаткичлари, омиллар, имкониятлар, таҳлил, омилли таҳлил.

## **УПРОЩЕНИЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ**

**Голибжон ГАНИЕВ**

преподаватель

Наманганский государственный

университет

Наманган, Узбекистан

## **Аннотация**

В статье изучена взаимосвязь эффективности продажи продукции с финансовыми результатами и рассматриваются пути определения влияния на них факторов.

**Ключевые слова:** услуги по продажам, показатели эффективности, факторы, возможности, анализ, факторный анализ.

## **SIMPLIFYING FINANCIAL PERFORMANCE INDICATORS**

**Golibjon GANIYEV**

teacher

Namangan State University

Namangan, Uzbekistan

## **Annotation**

Interconnection of products sales effectiveness with financial results is studied in the article, the ways of determining the impact on these factors are considered.

**Keyword:** sales services, performance indicators, performance factors, opportunities, analysis, factor analysis.

Маҳсулотларни сотиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар фикримизча, бир неча гурухларга бўлинади. Улардан бири – молиявий

натижалардир. У ўзида корхоналарнинг фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини ифодаловчи кўрсаткичdir. Ушбу кўрсаткичларнинг хусусияти шундаки, улар бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ равишда шаклланади. Шу туфайли самарадорлик кўрсаткичларига таъсир қилувчи омилларнинг иккинчи гурӯҳи бевосита молиявий натижалар ва тежамкорлик билан боғлиқ омиллар бўлиб ҳисобланади.

Молиявий, бошқарув таҳлил ва бошқа иқтисодий адабиётларда ушбу кўрсаткичларнинг бир-бири билан боғлиқлиги, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсир этиши мумкинлиги ва уларни аниқлаш йўлларини кўрсатган ҳолда тадқиқ қилиш масаласи ушбу мақоланинг асосий негизини ташкил қилади. Буларни инобатга олиб, мазкур масаланинг назарий жиҳати билан бирга амалий маълумотларни қўллаган ҳолда муаммонинг ечими бўйича ёндошувимизни ифода этишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

**“Иқтисодий самарадорлик”** ишлаб чиқаришда банд бўлган ахолининг ишлаб чиқариш фаолиятини ифодаласа, “ишлаб чиқариш самарадорлиги” мавжуд заҳиралардан самарали фойдаланиб, эришилган натижаларни билдиради. Иқтисодчи олимларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашда қатор кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш кераклигини айтиб ўтган бўлсалар, баъзилари самарадорликнинг жамловчи кўрсаткичини яратишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, А.Т.Юсуповнинг фикрича, иқтисодий самарадорликда қуйидаги кўрсаткичларни санаб ўтиш мумкин: фонд самарадорлигини, меҳнат фонди билан қуролланганлигини, ишлаб чиқариш унумдорлиги ўсиши ҳисобига маҳсулот миқдорининг ошишини, тузилмавий силжишнинг прогрессивигини, худудий коэффицент кабилар [8].

Р.А.Фатхуддиновнинг фикрича, ташкилий фаолият самарадорлиги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар орқали ифодаланади [7].

Россиялик олим Н.Л.Зайцевнинг фикрича самарадорликни саноат корхоналари хўжалик фаолиятининг натижаларни жонли ва буюмли меҳнат ҳаражатларга нисбати сифатида ифодалайди ҳамда ишлаб чиқариш

самарадорлиги хусусий ва умумий кўрсаткичлар орқали ифодаланади, деб кўрсатган [3].

И.И.Агапованинг иқтисодиётда италиялик олим Паретто томонидан ишлаб чиқилган чекланганлик мезонига амал қилишини қўллаб-қувватлаб, “иқтисодий самарадорлик” ёки “Паретто оптималлиги” бўйича кимдир ютуқса эришиши учун кимнингдир ютқазишини талаб этилади, деган фикрни илгари сурган.

Молиявий натижа дейилганда, корхона, бирлашма, акционерлик жамияти ва ҳоказоларнинг маълум ҳисобот даврида, унинг тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши (ёки камайиши) тушунилади. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги ҳамма фойдалар ва заарларни ҳисоблаш ҳамда баланс тузиш йўли билан аниқланади. Фойда ва заарларни ҳисобга олиш учун шу номдаги счётдан фойдаланилади. Бу счёт актив-пассив счёт бўлиб, қолдиқ унинг дебет ва кредит томонида бўлиши мумкин. Дебет томонидаги қолдиқ зарарни, кредит томонидаги қолдиқ эса фойдани ифодалайди.

Ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқариш, тижорат фаолиятидан кўпроқ даромад олишдан манфаатдор. Аммо нафақат фойда, балки юқорида таъкидланганидек, зарар ҳам корхона хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси бўлиши мумкин. Бундай ҳолат корхона самара бермайдиган ишлаб чиқариш усулларидан фойдаланса ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолчилар талабини қондирмаса рўй бериши мумкин [9].

Хўжалик юритишнинг ҳозирги тизими шароитида фойда кўрсаткичи корхонанинг асосий ва айланма маблағларидан самарали фойдаланишни талаб ҳамда эҳтиёжга қараб ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириши, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчи талабига жавоб бера оладиган бўлиши, ишлаб чиқариш харидор учун хизмат қилиши лозим. Тўла хўжалик ҳисобининг муҳим тамойили корхонанинг тўла мустақилликка эришуви ва ҳаражатларни ўз маблағи ҳисобидан тўлиқ қоплашидир. Бу дегани, корхона маҳсулот сотишдан олган маблағидан ўзининг ҳамма ҳаражатларини

қоплайди ва ундан ташқари ҳам фойда олади. Фойданинг бир қисми бюджетга солиқлар ҳамда бошқа тўловларни тўлаш учун сарфланади, қолгани эса корхона ихтиёрида қолади ва фаолиятни илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий манбай бўлиб, ҳисобланади. Корхона ихтиёрида қолган маблагни қандай мақсадларга сарфлашни унинг ўзи мустақил равишда ҳал қиласди.

Фойда, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи соф даромаднинг шакллари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ташкил топиш механизми ва улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича бир-биридан фарқ қиласди. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи давлат бюджетига маҳсулот сотилганидан кейин ўтказилади, бу маблағ умумдавлат ҳамда умумхалқ ҳаражатлари учун сарфланади [5].

Фойда корхонанинг охирги молиявий натижаси ҳисобланади. У меҳнатга хақ тўлаш фонди билан бирга корхона даромадини ташкил қиласди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фойда кўрсаткичини тўғри аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даромад ҳисобидан мақсадларга мўлжалланган фондлар, резерв фонди ташкил бўлади, капитал қўйилмалар молиялаштирилади ва ижтимоий тадбирлар амалга оширилади [6].

Молия натижалари миқдорига жуда кўп омиллар таъсир этади. Масалан, инфляция, валютанинг ўзгариб туриши, кредит сиёсати ва бошқалар. Ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги юқорида санаб ўтилган омиллар таъсири ҳисобга олинган ҳолда молия натижалари аниқланиши, хақиқатни аниқ ва тўғри акс эттириши лозим. Шунинг учун ҳам корхоналарда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш ва олинган фойда миқдорини тўғри аниқлаш лозим. Фойда миқдорининг камайиши давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган маблағ миқдорининг камайишига ва бу, ўз навбатида бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган ҳаражатлар миқдорининг камайишига олиб келади [4]. Зарарага ишлайдиган корхоналар эса охир оқибатда “синади”, яъни инқирозга юз тутади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида амалдаги қонунларга кўра яхши ишлайдиган корхоналар фойдасини қайта тақсимлаш кўзда тутилмаган.

Шунинг учун ҳам заарга ишлайдиган корхоналар ўз харажатларини ўzlари қоплашлари, бунинг йўлларини излаб топишлари керак.

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар бир-бири билан боғлиқ равищда ва ўзаро таъсир қилиши натижасида шаклланади. Ушбу ҳолатга тўгри баҳо бериш учун молиявий натижаларни ифодаловчи даромадлар ва фойда билан боғлиқ кўрсаткичлар гуруҳига “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сон шакл) [10] бўйича 8 та кўрсаткични киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Чунки ушбу кўрсаткичларнинг бир-бирига боғлиқлиги, шу даражадаки, уларни ҳисоблаш жараёнида бирортасини ҳам қолдириб бўлмайди. Бундай боғлиқликнинг молиявий натижаларни таҳлил қилиш учун қулай томонлари ҳам бор. Биринчидан, бир вақтнинг ўзида кўрсаткичларнинг тўғри ифода этилганлигини текшириб бориш мумкин бўлса, иккинчидан, уларнинг бир-бирига таъсири ҳам ўрганиб борилади.

Мазкур боғлиқлиқни Наманган вилояти Наманган туманида жойлашган маҳсулотларни сақлаб сотиш билан шуғулланувчи “Gold apple” МЧЖ мисолида қараб чиқамиз. Мазкур корхонанинг ҳисобот йилида олган даромадлари ва фойда кўрсаткичларининг асосий турлари бўйича 2013-2018 йиллардаги ҳисоб-китобини методологик асос сифатида келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик. Чунки, мазкур усулни хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа корхона ва хўжалик юритувчи субъектларида ҳам кўллаш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давр харажатларининг ўсиш суръати сотилган маҳсулот таннархига нисбатан бироз кўп бўлган (114,3%) аммо сотилган маҳсулотга нисбатан (117,9%) ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати бир мунча камроқ эканлигини кўриш мумкин. Мазкур корхонада асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ошган. Бунинг эвазига асосий фаолиятнинг фойдаси ҳам бироз жадалликда ўсган ва унинг миқдори шу даврда 122,2 % га teng бўлган. Корхоналарда молиявий фаолиятнинг фойдаси ва зарари алоҳида ҳисобга олиб борилиши ва ҳисботларда ҳам алоҳида кўрсатилишини инобатга олиб, ушбу кўрсаткичларни ҳам таҳлил қилиш мумкин, деган

фикрдамиз. Агар ҳисобот даврида ўтган йилга нисбатан молиявий фаолиятнинг даромадлари 111,8 % га ошган бир паллада молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар 115,5% га ошган. Бу ерда ҳам ҳаражатларнинг даромадларга нисбатан ўсиш суръати жадалроқ. Жадаллик коэффициенти 1,033 ни ташкил қиласди ( $115,5/111,8$ ). Буларнинг натижасида умумхўжалик фаолиятларининг фойдаси юқори суръатлар билан ўсган ва ва шу таҳлил даврида унинг жадаллик коэффициенти маҳсулотни сотишдан соф тушумга нисбатан 1,031 ни ташкил қиласди ( $121,5/117,9$ ). Ҳисобот даврида мазкур корхона фавқулодда фойда олишга эришган. Аммо унинг миқдори ўтган йилга нисбатан бир мунча (68,9 %) кам бўлган. Натижада даромад (фойда) солиги тўлангунга қадарги фойданинг ўсиш суръати 121,3% га teng бўлган.

Ҳисобот даврида корхона томонидан тўланган даромад (фойда) солиги ва бошқа йигимларининг ўсиш суръати 131,6% га teng бўлган. Буларнинг ҳаммаси пировардида соф фойданинг ўзгаришига олиб келган. Унинг ўсиш суръати маҳсулот (иш, хизматнинг) таннархининг ва бошқа бир қанча кўрсаткичларнинг ўсиш суръатига нисбатан бироз юқори бўлган. Натижада соф фойданинг ўсиш суръати 121,1 % ни ташкил қиласди. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушумнинг ўсиш суръатига нисбатан юқори бўлганлиги туфайли, унинг жадаллик коэффициенти шу даврда 1,027 га tengлигини кўрамиз ( $121,1/117,9$ ).

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларининг бир-бирига нисбатан ошиб боришини ва ҳаражатларнинг камайишини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Кўриниб турибдики, корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам бир-бири билан узвий ва чамбарчас боғлиқ экан. Бу боғлиқлик уларнинг фойдаси ва рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш жараёнида ҳамда омилли таҳлилини ўtkазиша ҳам яққол номоён бўлади.

Корхоналар молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларнинг асосийси ва самарадорликни баҳолашда қўлланиладиган натижа кўрсаткичи сифатида қўлланиладиган кўрсаткичлардан бири соф фойда бўлиб

хисобланади. Юқорида кўрганимиздек, унинг шаклланиши барча молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларга боғлиқ. Таҳлил жараёнида уларнинг ҳар бирининг таъсирини аниқлаш лозим бўлади.

**Молиявий ҳисоботни соддалаштириши жараёнида:**

1. Сатрлар сони камайди.
2. Ўхшаш фаолият турлар бўйича сатрлар бирлаштирилди.
3. Давр ҳаражатлари солик тўловларидан олдин чегирилиши белгиланиб таҳлил кўрсаткичлари олинди.
4. Давр ҳаражатлари солик тўловларидан кейин чегирилиши белгиланиб таҳлил кўрсаткичлари олинди.
5. Молиявий ҳисоботни ўрганувчи учун белгиланган формулалар молиявий ҳисбот тузилиши тартиби бўйича кўриб чиқилди.
6. Соф фойдани аниқлашда давр ҳаражатларни шаклланишига қараб 9314,1 минг сўм ўтган даврда, 11295,2 минг сўмни ташкил қилган.
7. Соф фойдани аниқлашда давр ҳаражатларини шаклланига қараб солик тўловларидан кейин олиниши натижасида ўтган даврда 7486,4 минг сўм, ҳисбот даврида 9206,3 минг сўмни ташкил қилган.
8. Молиявий ҳисбот шаклини сатрларни камайиши соф фойдани ўзгаришига таъсир қилмаган.
9. Таъсир этувчи омил давр ҳаражатлари ўтган ва ҳисбот давларида бир хил бўлмаганлиги, унинг меъёрлари мавжуд эмаслиги ўрганилди.

Молиявий натижаларга таъсир этувчи омилларни солик солиш назаридан, фойда миқдорини корхоналарга бериладиган переференциялар, имтиёзларни берилиши орқали ошириш мумкин. Бунинг учун маҳсулот таннархини шакллантирадиган ҳаражатларни ҳақиқий қиймати бўйича киритилиши лозим. Масалан, Россия Федерациясида ва бошқа европа мамлакатларида маҳсулот яратишдаги барча ҳаражатлар таннархга киритилади. Натижада корхона маъмурияти таннарх ошиб кетишининг назоратини кучайтиради. Хусусан, давр ҳаражатларини ҳам назорат қилиш имкониятлари топилади.

Омилли таҳлилни амалга ошириш учун иқтисодий таҳлилнинг мувозанат усулидан фойдаланиш мумкин. Бунда соф фойдага (**Сф**) таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун қуидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиласиз:

$$\text{Сф} = \text{Ст} \cdot \text{Тн} \cdot \text{Дх} + \text{Афбд} + \text{Мфд} \cdot \text{Мфх} + \text{Тф} \cdot \text{Дсй}$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, соф фойда ўзгаришига саккизта омил таъсир қиласи. Шулардан, тўрттасининг кўпайиши ижобий (сотилган маҳсулот - **Ст**, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари - **Афбд**, молиявий фаолият даромадлари-**Мфд** ва тасодифий фойда - **Тф**) ва тўрттасининг кўпайиши салбий (сотилган маҳсулот таннархи - **Тх**, давр ҳаражатлари - **Дх**, молиявий фаолият ҳаражатлари - **Мфх** ва даромад (фойда) солиғи ва бошқа йиғимлар - **Дсй**) таъсир қиласи. Ушбу формула солиқ солиш мақсадида ҳозирги кундаги ҳисобчилигимизга мосдир. Яъни солиқ юкининг регрессив ҳолати учун мос, мамлакатимиз ривожлангани сари ишлаб чиқариш корхоналарига солиқ имтиёзларини берилиши улар фаолиятини рағбатлантириш асоси ҳисбланиб қолади. 2019 йил 1 январидан жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқлар прогрессив хусусиятга айланди. Яъни ойлик маоши қанчалик катта бўлса, солиқ сўммаси шунчалик кам, аксинча, кам миқдордаги ойлик маошларидан солиқ миқдори катта чиқаётганини кўришимиз мумкин. Шунинг учун яқуний молиявий натижаларни аниқлашда фойдаланилган юқоридаги formulani қуидаги тартибда ўзgartиришни таклиф қилмоқдамиз: **Сф =Ст·Тн +Афбд+Мфд·Мфх+Тф·Дсй-Дх**

Буни юқорида келтирилган мисолимиздан ҳам кўришимиз мумкин. Бунинг учун қуидаги жадвални тузишни тавсия қилинади (1-жадвалга қаранг).

Бу формула орқали соф фойдани ҳисоб-китоб қилиниши №2-сон “Молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисидаги” молиявий ҳисботда кетма-кетликда бажарилади.

**“Gold apple” корхонасининг таҳлил даврида эришган соф фойдаси  
ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг ҳисоб-китоби (минг сўм)**

**1-жадвал**

Кўрсаткичлар	2013 йилда	2018 йилда	Фарки (+,-)	Соф фой- данинг уз- гаришига омиллар таъсири
Маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан соф тушум (Ст)	12325,2	14526,0	+2200,8	+2200,8
Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларнинг таннархи, яъни саклаш билан боғлиқ ҳаражатлар (Тн)	1693,1	1673,0	-20,1	+20,1
Давр ҳаражатлари (Дх)	1827,7	2088,9	+261,2	-261,2
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари (Афбд)	85,6	121,9	+36,3	+36,3
Молиявий фаолиятнинг даромадлари (Мфд)	722,8	807,9	+85,1	+85,1
Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар (Мфх)	128,0	147,8	+19,8	-19,8
Фавкулодда (тосодифий) фойда (Тф)	41,4	28,3	-13,1	-13,1
Даромад (фойда) солиги ва бошка солиқлар ва йиғимлар (Дсй)	212,1	279,2	+67,1	-67,1
Соф фойда (Сф) (1к-2к-3к+ 4к+5к-6к+7к-8к)	9314,1	11295,2	+1981,1	X

Лекин, давр ҳаражатлари хўжалик фаолияти тугагандан кейин қопланиши белгиланган. №3-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти талабларига ҳамда №21-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг 5-қисм, 9-бўлими “Даромад ва ҳаражатларни” ҳисобини юритиш стандартида “9410 “Сотиш ҳаражатлари”, 9420 “Маъмурий ҳаражатлар” ва 9430 “Бошка операцион ҳаражатлар” счётида маҳсулотни сотиш бўйича ҳаражатлар, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ, транспорт воситаларига ортиш, маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар, бўлимларнинг ҳаражатлари ва бошқалар акс эттирилди. Ҳисобот даврининг охирида 9400 “Давр ҳаражатлари” счёти 9910 “Якуний молиявий натижа” счёти билан боғланган ҳолда ёпилади” деб таъкидланган [12]. Бироқ, давр ҳаражатлари маҳсулот (иш ва хизмат)лар яратилиб, то якуний молиявий фойда аниқлангунга қадар тўпланиб борадиган ҳаражатлардир. Бу ҳаражатлар вужудга келиш даври режалаштирилмайди, яъни бу турдаги ҳаражатлар:

асосий хўжалик фаолияти, молиявий хўжалик фаолияти, инвестицион хўжалик фаолияти, фавқулодда ҳолатларда, умумхўжалик фаолияти (солиқса тортилгунга қадар фойда), тақсимланмаган фойда ва соф фойдани тақсимлаш даврларида ҳам вужудга келиши мумкин. Умумий қилиб айтганда, ушбу турдаги ҳаражатлар календар йили бошлангандан то тугагунга қадар йиғилиб борадиган ҳаражатлардир. Шунинг учун №2-сон “Молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги молиявий ҳисобот шаклини ўрганаётган шахс учун унинг мазмунини ўрганиш ва ҳисоб-китобларни содир бўлиш жараёни бўйича тассавурини ҳосил қилиш мақсадида қўйидагича ўзгартиришни мақсадгага мувофиқ деб топдик [11].

**(Бу жадвал Сф=Ст-Тн-Дх+Афbd+Мфд-Мфх+Тф-Дсй формула учун 2-жадвал келтирилган).**

**2-жадвал**

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		даромадлар (фойда)	ҳаражатлар (заарлар)	Даромадлар (фойда)	Ҳаражатлар (заарлар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	010		x		x
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	020	x		x	
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр. 010 – 020)	030				
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	040		x		x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030 + 040)	050				
Молиявий фаолиятнинг даромадлари(ҳаражатлари), жами (сатр. $070 \pm 080 \pm 090 \pm 100 \pm 110$ ), шу жумладан:	060		x		x
Дивиденdlар шаклидаги даромадлар (ҳаражатлари)	070				
Фоизлар шаклидаги даромадлар	080				
Молиявий ижарадан даромадлар (ҳаражатлари)	090				
Валюта курси фарқидан даромадлар (ҳаражатлари)	100				
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари (ҳаражатлари)	110				
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	120				

(зарари) (сатр. 050 ±060)					
Фавқулоддаги фойда ва заарлар	130				
Фойда солигини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр. 120 +/- 130-150)	140				
Давр ҳаражатлари, жами (сатр. 151+152+153), шу жумладан:	150	x		x	
Сотиш ҳаражатлари	151	x		x	
Маъмурӣ ҳаражатлар	152	x		x	
Бошқа операцион ҳаражатлар	153	x		x	
Фойда солиги	160	x		x	
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	170	x		x	
Ҳисобот даврининг соғ фойдаси (зарари) (сатр. 140 – 150 –160-170)	180				

(Бу жадвал **Cф=Ст-Тн+Афбд+Мфд-Мфх+Тф-Дсй-Дх** формула учун 3-жадвал келтирилган).

**3-жадвал**

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Ҳаражатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Ҳаражатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Махсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотищдан соғ тушум	010		x		x
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	020	x		x	
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишининг ялпи фойдаси (зарари) (сатр. 010 – 020)	030				
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	040		x		x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030 + 040)	050				
Молиявий фаолиятнинг даромадлари (ҳаражатлари), жами (сатр. 070 ± 080 ± 090 ± 100 ±110), шу жумладан:	060		x		x
Дивиденdlар шаклидаги даромадлар (ҳаражатлари)	070				
Фоизлар шаклидаги даромадлар	080				
Молиявий ижарадан даромадлар (ҳаражатлари)	090				
Валюта курси фарқидан даромадлар (ҳаражатлари)	100				
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари (ҳаражатлари)	110				
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр. 050 ±060)	120				
Фавқулоддаги фойда ва заарлар	130				
Фойда солигини тўлагунга қадар фойда	140				

(зарар) (сатр. 120 +/- 130-140)				
Фойда солиғи	150	x		x
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий түловлар	160	x		x
Давр ҳаражатлари, жами (сатр. 171+172+173), шу жумладан:	170	x		x
Сотиш ҳаражатлари	171	x		x
Маъмурый ҳаражатлар	172	x		x
Бошқа операцион ҳаражатлар	173	x		x
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр. 140 – 150 –160-170)	180			

Бундан ташқари, молиявий ҳисбботда айрим сатрларнинг умумлаштирилиши, ҳисббот жадвали тузишда “Ҳисоб сиёсати”да “эътиборли бўлиш” принципи юзага келади. Шу муносабат билан ҳисбботнинг молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар сатрини даромадлар сатри билан қўшилишини таклиф қилинди. Натижада жадвалнинг қисқаришига эришилади.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисббот йилида соф фойда 1981,1 минг сўмга ошган. Бунга 8 та омил таъсир қилган:

1. Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушумнинг (Ст) ҳисббот йилида +2200,8 минг сўмга (14526,0 - 12325,2) кўпайиши айнан соф фойдани ҳам шу миқдорга кўпайтирган.
2. Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархи (Тн) -20,1 минг сўмга камайган. Ушбу омил эвазига соф фойда 20,1 минг сўмга (1673,0 - 1693,1) ошган.
3. Мазкур корхонада давр ҳаражатлари (Дх) 261,2 минг сўмга кўпайган. Ушбу ҳаражатларнинг кўпайиши соф фойдани айнан шу суммага камайтирган (2088,9- 1827,7).
4. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (Афбд) ҳисббот йилида 36,3 минг сўмга ошган. Ушбу омил эвазига соф фойда 36,3 минг сўмга кўпайган (121,9 -85,6).
5. Корхонада молиявий фаолиятнинг даромадлари (Мфд) 85,1 минг сўмга кўпайганлиги ҳам таҳлил қилинаётган кўрсаткични шу миқдорга оширган (807,9-722,8).

6. Натижа ўзгаришига таъсир қилувчи навбатдаги омил молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар (Мфх) бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг микдори ҳисобот даврида 19,8 минг сўмга қўпайган. Ушбу омил эвазига корхонанинг соф фойдаси 19,8 минг сўмга камайган (147,8 -128,0).

7. Корхона ҳисобот йилида фавқулодда (тасодифий) фойда (Тф) олишга эришган. Аммо у ўтган йилга нисбатан 13,1 минг сўмга кам бўлган. Натижада соф ҳам 13,1 минг сўмга камайган (28,3 - 41,4).

8. Соф фойдага таъсир этувчи навбатдаги омил даромад (фойда) солиғи ва бошқа солиқлар ва йиғимлардир (Дсй). Ушбу кўрсаткич таҳлил даврида 67,1 минг кўпайган. Бунинг натижасида соф фойда сўммаси ҳам шу сўммага камайган (279,2-212,1).

Барча омиллар таъсири одатдагидек, натижа ўзгаришининг умумий фарқига teng бўлиши керак. Буни мазкур мисолда ҳам кўриш мумкин.  $2200,8+20,1-261,2+36,3+85,1-19,8-13,1-67,1=+1981,1$  минг сўм.

Ушбу ҳисоб-китоб натижасида корхонанинг молиявий натижаларини кўпайтириш бўйича ички имкониятларни аниқлаш мумкин. Бизнинг тадқиқотларимиздан кўриниб турибдики, бешта ҳолда ички имкониятларимиз мавжуд экан. Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- корхонанинг давр ҳаражатлари ҳеч бўлмагандан ўтган йилги хажмда қолганда эди, унинг соф фойдаси яна 261,2 минг сўмга ошган бўлар эди;
- молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар 19,8 минг сўмга ошмагандан натижа кўрсаткичи ҳам шунча сўммага қўпайган бўлар эди;
- фавқулодда (тасодифий) фойданинг 13,1 минг сўмга камайиши соф фойданинг ҳам шу микдорда камайишига олиб келган;
- даромад (фойда) солиғи ва бошқа солиқлар ва йиғимларнинг 67,1 минг сўмга ошганлиги соф фойдани ҳам шунча сўмга камайишига олиб келган.

Юқоридаги ҳисобот шаклига эътибор қаратсак, у ерда 8 та молиявий натижани ҳосил қилувчи омиллар акс этганини кўрамиз. Лекин молиявий натижаларни шакллантиришда биз Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган 25.08.1998 й. Н 43, №3-сонли бухгалтерия

хисоби миллий стандартти асосида шакллантиришимиз лозим. Лекин стандартнинг “очиб кўрсатиш” қисмининг 6-бандларида “Давр ҳаражатлари” атамаси киритилмаган. Ўрганиш жараёнида ушбу атама бухгалтерия хисоби миллий стандартти (БХМС)нинг тегишли бандига киритилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, молиявий натижалари мунтазам равища паст бўлиб заарга ишлаётган корхоналар фаолиятини тўхтатиш масаласида ҳам №3-сонли БХМС “фаолиятни тўхтатиш” бўлимига фаолиятни тўхтатиш учун тузилган маҳсус ишчи гурӯҳ ва унинг иштирокчилари сонини аниқ кўрсатилиши корхоналардаги айrim тугатиш билан боғлиқ масалаларга ёним топиб берар эди. Худди шунингдек, “Асосий жиддий хатолар” бўлимининг 17.2-бандида “Ўтган йилнинг шу даврига оид маълумотлар ўзгартирилади, агар хатолар арзимайдиган даражада бўлса, улар истисно қилинади” ёзуви бухгалтерия хисобини юритиш принципларида мавжуд бўлмаган тушунча деб хисоблаймиз, яъни шу банднинг ёзувда олиб ташланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ушбу илмий хулоса ва тавсиялар амалиётда қўлланилса, сотиш билан шуғулланувчи корхоналарда соф фойданинг ошиб бориши билан ички имкониятлар топилади ва уларни ишга солиш бўйича аниқ чоратадбирларнинг ишлаб чиқилиши мумкин бўлади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т, Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 480 б.
2. Ваҳобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 224 б.
3. Зайцев.Н.Л. Эканомика промышленного предприятия. – Москва: Инфра-М, 2013 г.
4. Очилов И.К., Қурбонбоев Ж.Э. Молиявий хисоб: ўқув қўлланма. – Тошкент: IQTISOD - MOLIYA, 2007. – 488 б.
5. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Тошкент: Иқтисодиёт ва хуқуқ

дунёси, 2001. – 176 б.

6. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил: ўқув қўлланма. – Тошкент: Мехнат, 2004. – 488 б.
7. Фатхуддинов.Р.А. Инновационный менеджмент. – Москва: ЗАО Бизнес школа «Интел синтез», 1998 г.
8. Юсупов А.Т. Развитие и рахмощение производства товаров народного потребления в Узбекистане. – Ташкент: Мехнат, 2001 г.
9. Хасанов Б., Ҳошимов А. Бошқарув ҳисоби: дарслик. – Тошкент: IQTISOD - MOLIYA, 2005. – 308 б.
10. Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқдаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2003 йил 24 октябрда 1290-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)
11. №2-бҳмс Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 20.08.1998 й. N 41.
12. №21- бҳмс, бешинчи қисм “Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиши, 10-бўлим “даромадлар ва ҳаражатлар” 20.08.1998 й.